

ҲАММА—ПАХТА ТЕРИМИГА!



ТУРСУНОЙ РУЛДА

Атрофи сарвад тераклар ва пахана тут кўчатлар билан ўраб олинган кенг пахтазорлар ўзининг энг гўзал сепди олтин либосига бурканган. Бирхилда эур меҳр ва улкан меҳнат билан қамол топан гўза кўчатлари чойшап ёнигаданк оп. пок тўсга кирган. Булик, бўйдор кўчатлари мода-мода «оқ олтин» дурдоналари куз кўнисида кўнисидай ярирайди.

Биз келган бу саҳий дала-лар «оқ олтин» денгиз эли-зининг ошахон киз, дондор меҳнатдори Турсуной Охунова бригадаси қарашли ерлар эди. Биз узокдан жондорлар овозини эшитиб, уват бўйлаб ҳалиги овоз келган томонга юра бошладик.

Ҳаял ўтмай қаршимиздан қоп-этак кўтарган кизлар ўтди. Булар салом беришиб, ўқариқ томонга жилмайиб «Турсуной ошам нш бошлади» деди.

14 гектарлик катта қартадан икки «зангори кема» бир меёрда сузиб бормоқда. Йўл четида пахта ташиндиган автоприцеп тайёр турибди.

Ҳа, саҳий куз фаслида техника ва бу аjoyиб техникани бошқараётган забардаст механизаторларимиз «оқ олтин» денгизда сузиб, эл бойлигини тўплашда қандай катта куч эканлигини ўз кўзимиз билан яққол кўриб турибмиз. Қадрдон Никита Сергеевич Турсуной меҳнатини удуғлаб, уни юз теримчининг ишнини бир ўзи ба-жариб келатганлигини таъкид-лаб ўтган эди.

Биз ана шу жасоратли ишда жавлон ураётган Турсуной ва унинг қадрдон ёшиқдоши, азамат ва камтар Султон Шерма-товнинг эур гайратидан хурсанд бўлиб турибмиз. Бу икки азамат ўнгирт гектарлик кенг пах-тазорининг мўл-кўл пахтасини

қадрдон машиналари билан ши-пиллатиб териб бормоқдалар. Булар бўлмаганда бу ердаги пахтани теришга балки юзлаб кишилар банд бўлган бўлар эди. Мана, икки киши қанча кишининг меҳнатини енгиллаш-тирмоқда.

Пахтазор оралаб икки киши биз томонга келарди. Биз уларни танидик. Улардан бири — колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Мамат Холматов, иккинчиси эса колхоз агрономи ўртоқ Ахмад Гаффаров эди. Улар ҳам техника кучидан манъун эди-лар. Агроном Гаффаров Оху-нова бригадаси бу йил 100 гек-тар пахта майдонининг ҳамма-сида мўл пахта ҳосили етиш-тирилганини айтди. Бригада баҳор ва ёз ойларида гўза қарорларидан беш марта ком-плекс парвариш ўтказиб, олин-ган мажбурийта яраша ҳосил тўплай олган.

— Бригада ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта топиш-ради, мажбурийта ана шун-дай, — деди парторг Холматов.

Турсуной Охунова бошлиқ бригада, унинг мусобақадони ўртоқ Рашид Урисбоев бош-лиқ бўлган 4-бригада, шунинг-дек колхознинг бошқа пахтакор бригадалари ҳам пахта йиғим-теримини жадаллаштириб, эл олдида берган сўзларининг усти-дан чикини учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Колхоз далаларида шу кунларда 13 та пахта терим машинаси ишла-моқда.

Турсуной Охунова бошлиқ бўлган бригаданинг 18 аъзо-сини ҳаммаси пахта териминида қатнашмоқда. Бригада аъзола-ридан Холдор Йўлчиев билан Ахмадали Жўраев ўртоқлар 4 та автоприцепта пахта ортиб,

ҳосилни тайёрлов пунктга эл-тиш билан банд.

— Биз бригаданинг 450 тон-на пахтасини қоп-қанорсиз, ана шу автоприцепларда таший-миз, — дейди Холдор Йўлчиев. Бу азамат пахтакор ва унинг моҳир шериклари ўз сўзлари-нинг устидан чиқадилар, албат-та. Турсуной ва Султон бу йил 6 та бригадаларда етиштирган 500 тонна пахтанинг 450 тон-насини ўз агрегатлари билан териб беришга аҳд қилганлар. Улар терган пахта албатта ав-топрицепларда ташинди.

Бригадада йиғим-теримнинг долзарб кунлари бошланган. Ҳамма майдонларда гўза бағрлари дориланиб, тўқдириб юборилган. Кейинги кунларда бошланган туғи аёллар ҳам гўза бағрларини довжиратиб, ҳосилни машинага мослаштириб қўйдилар.

Турсуной бригадасида 25 сентябрдан бошлаб пахта-ни машина билан теришга киришдилар. Теримнинг бирин-чи кунинда Турсуной 4200 ки-лограмм, Султон эса тушдан кейин ишга тушиб 1900 кило-грамм пахта терди. Иккинчи кунги суръат анча кўтарилди. Турсуной 6 тоннага яқин, Сул-тон эса 4 тоннага яқин пахта терди. Кейинги кунларда ҳам уларнинг терган пахтаси ҳар кун ўн тоннадан ортқ бўлди.

Турсуной отини қамчиламоқ-да, ў бошлиқ бўлган бригада ба рапорти билан, ҳар гектар-да 50 центнердан «оқ олтин» топириш билан кутиб олишга астойдил курашмоқда. Турсу-ной бошлиқ бўлган бригада аъзолари албатта ўз сўзлар-чининг устидан чиқадилар.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ,
Чиноз районидан Киров номи колхоз.

Пахтакор ўртоқлар! Ҳозирги бир кун ёғингарчилик, совуқ бош-ланган пайнинг ўн-ўнбеш кунига татийди. Ҳозирги олтин дамларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, йиғим-терим суръатини жадаллаштирган, тайёрлов пунктларига ҳар кун 3—4 процент миқ-дорида пахта жўнатишга эришган деҳқон йилнинг провардига бориб панд емайди.

ШУНГА ЭРИШАЙЛИККИ, ОБЛАСТИМИЗ БУЙИЧА ҲАР КУНИ ЙИЛЛИК ПЛАННИНГ 2—2,5 ПРОЦЕНТИ МИҚДОРИДА ПАХТА ТОПИРАЙЛИК!

СУРЪАТГА-СУРЪАТ ҚЎШАЙЛИК!

Йиғим-теримнинг ҳал қилув-чи дамлари келди. Колхоз ва совхозларимиз дала арида, хирмонларида, кенг қарвон йўлларида «оқ олтин»дан тоғ-лар кўтарилган пахта пунктла-рида қаҳрамонона меҳнат қай-напти. Далада гавжум, гўё байрамдагидек. Ҳатто шаҳар меҳнатнашлари қадрдон дўст-лари — пахтакорларга ерданга чиққан. Меҳнат заъфи, шоди-ёна қўшиқлар янграйди. «Зан-гори кема»лар кенг пахта ден-гизда сузади. Йил бўйи қил-линган фидокорона меҳнатни самаралари мўл «оқ олтин» дурдоналарини териб хирмонимизга-хирмон қўшмоқ-да.

Ҳамма далада, тани-жони соғ, юрагиди ўти бор ҳар бир жонқуяр, ҳар бир ватанпарвар далада Ҳа, ҳақиқатан ҳам дол-зарб, ҳал қилувчи дамлар кел-ди. Отини тезроқ қамчилаб қолган деҳқон ютади. Ахир ҳозирги куннинг ҳар бир кунини, соати, минути олтин билан тенг. Ҳаво иссиқ, йўллар қуруқ, пахта бўлса қийос очилган. Фақат фидокорона меҳнат қил-лиш, ишни тўғри ташкил этиш, бутун куч, имкониятларини иш-га солиш керак. Ахир ҳозирги куннинг бир кунини қилганча ишни ёғингарчилик ва совуқ бошлангич кетганда кейин ўн-ўнбеш кунда ҳам қилиб бўл-майди-ку!

Йиғим-терим ишлари наму-нади ташкил этилган юқори-чиқарилган азаматларга оф-ринлар бўлсин! Райондаги «Правда», «Ил Интернацио-нал», Свердлов номи, «Ўзбек-истон» ва бошқа хўжалик-лар 4 — 5 процентга етказ-зиб пахта топишмоқдалар. Ҳақиқатан ҳам бу азамат-

лар ҳар бир куннинг қадрига етиб, иссиқ ҳаводан, қушдан, саҳий табиятининг бутун имко-ниятларидан оқилона фойдала-наптилар. Район партия ко-митети йиғим-терим авж олиб кетган ҳозирги кунларда пах-такорлар ўртасида сиёсий-тар-биявий ишларни яхши ташкил этмоқда. Далада ишловчилар учун яхши моддий-маданий шароит яратиб берилган. Шу-нингдек, кунига 2 процентдан ошириб пахта топираётган Ороғонқизде, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Янгийўл, 4 процентдан ошираётган Қўй Чирчиқ рай-онларининг пахтакорлари, ме-ханизаторларига шон-шараф-лар, тақдирлар ўқиймиз.

Машина — пахтакорларнинг энг яқин дўсти, медалдори. Ҳозир областимизда оммавий равишда машина терими бош-ланди. Даладаримизда 1.202 та «зангори кема», ишла-япти, 1-«Давларзин», «Фар-ход», «Ўзбекистон беш йилли-ги», Сирдарёдаги «Ленинград», Тарас Шевченко, Чиноздаги «XXI партсъезд», Киров но-ми, Янгийўл райони колхозла-рида машина терими айниқса қизиқ кетди.

Йиғим-теримнинг ҳал қил-увчи дамларида ўз имконият-ларидан етарли фойдаланмаёт-ган, теримда судралиб област-имизни орқага тортаётган рай-онлар, хўжаликлар ҳам бор. Оққўрғон районини олиб қў-райлик. Бу район сводкада ҳа-мон охири ўрилларнинг бири-ни эгаллаб келмоқда. Оққўрғон районида пахта қийос очилб кетган. Терим суръатини оши-риш, кунига 2 процент ва ун-дан ҳам ошириб пахта топи-риш учун ҳамма имкониятлар бор. Район билан қўшни бўлган,

ерлари-ерларига туташиб кет-ган Ўрта Чирчиқ райони суръ-атини кундан-кунга ошираётган бир вақтда Оққўрғон райони ниҳоят даражада секин сил-жимоқда!

Районнинг орқада судрала-ётганлигига сабаб нима? Бу-нинг сабаби шундаки, ишга яроқли барча аҳоли йиғим-те-римга сафарбар этилган эмас. Пахта терим машиналаридан етарли фойдаланилмаётир. Рай-ондаги йиллик хўжаликлардан бири бўлган «Ленинбол» кол-хозида эндигина битта-иккита машина теримга тушибди. Ҳо-зирги ганимат кунларнинг ҳар бири дақиқаси олтин билан тенг эканлигини нахотки бу район раҳбарлари тушунамасалар.

Шунингдек, Гулистон, Сир-дарё, Янгийўл, Комсомол райо-лари областимизга сводкада охириги ўрилларда турибдилар. Теримнинг ҳал қилувчи дам-лари келди-ку, бу районларда силжиш нам, ҳамон орқада судралмоқдалар. Тўғри, Сир-дарё, Янгийўл, Комсомол райо-лари бир процентдан ошириб пахта берабашладилар. Лекин сентябрь охи тугамоқда-ку! Ҳозир 2—2,5 процент ва ундан ошириб «оқ олтин» топира-диган пайт-ку!

Йиғим-теримда кескин бури-лиш яшаш, суръатга-суръат қўшадиган пайт келди. Маши-налар пахтакорларнинг, оғи-рин енгил қилмоқда. Шаҳарлик-лар пахтакорларга қўлларидан келган барча ердани аяма-тирилар. Энди ҳамма гап ишни ташкил этилишида жон қўй-дириб ишлашда қолди.

Бу йил областимизда пахта-дан мўл ҳосил етиштирилди. Етиштирилган ҳосил мажбу-рийта ишнинг тўла қоплаш учун бемалол етди. Энди гап ана шу ҳосилнинг бир граммини ҳам ноузд қилмасдан йиғиб-териб давлат оморларига топириш-да. Ҳамма жойда Октябрь ол-ди социалистик мусобақасини авж олдириб, қўлнингилло-граммчилар сафини янада кен-гайтирайлик!

Областимиз кеча йиллик планнинг 1,83 проценти миқ-дорида пахта тайёрлади. Суръ-атга-суръат қўшайлик. Белги-ланган графни — ҳар бир хўжа-лик, ҳар бир район учун қонуни бўлиши лозим. Агар биз суръ-атини бўлаштирмасдан бутун куч-қувватимизни, ижодимизни, қалбимиз ҳароратини йиғим-теримга сафарбар этмасак, Ва-танга 503 минг тонна «оқ ол-тин» топираганиз деб берган ваъданинг устидан албатта чиқамиз.

Бутун куч — пахта йиғим-те-римига!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 195 (2228).

30 сентябрь, якшанба, 1962 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ЯРИМ МИЛЛИОН ТОННА ПАХТА ҚОП-ҚАНОРСИЗ ТАШИЛДИ

Ўзбекистон механизаторла-ри ўз юксак социалистик маж-буриятларини бажаришда му-ҳим маррани қўлга киритди-лар. Улар даладан тайёрлаш пунктларига ярим миллион тонна «оқ олтин»ни қоп-қа-норсиз прогрессив усулда ет-казиб бердилар.

Ана шу муҳим кўрсаткич бўйича планни деярли олтиш процент бажарган Сурхондарё области пахтакорлари, Анди-жон ви Бухоро меҳнаткашла-ри қоп-қанорсиз пахта таший-ни бошқаларга қараганда ях-широқ ташкил қилдилар. (ЎзТАГ).

ЎРТОҚ Н. С. ХРУЩЕВ ТУРКМАНИСТОНДА

МАРИ, 28 сентябрь, (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари, СССР Ми-нистрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. С. Хрущев икки кун Мاري области билан танишди. Туркман элининг ҳамма ерида азиз меҳ-монни қизғин ва сажимий кутиб олдилар. Бугун эрталаб Н. С. Хрущев Мурғоб райониданги «Москва» колхозига бўлди.

Ўртоқ Н. С. Хрущев колхоз далаларида бўлди. Пахтанинг сор-ти ва ҳосилдорлиги билан қизиқ-ди. У пахтанинг таънариқ жуда қиммат бўлганлигини таъкидлаб, комплекс механизацияни кенг-роқ жорий қилишни тавсия этди.

Н. С. Хрущев колхоз чорва-чилигининг аҳволи билан тани-шиб, аввало, мажмауқўхори экин майдонларини кенгайтириш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш, дуккакли экинлар етиштириш, кўпайтириш йўли билан мустақ-лам ем-хашак базаси вужудга

келтиришга жуда катта эътибор беришни тавсия қилди.

Меҳмондўст колхозчилар Никита Сергеевич билан хайрлашар эканлар, унга туркман чопони ва катта оқ теллақ тортиқ қилдилар. Ўртоқ Н. С. Хрущевга Туркма-нистон меҳнаткашлари номидан аҳалтекин зотли тулпор от совга қилинди.

Совет ҳукуматининг бошлиғи ва унинг ҳамроҳлари совгалар учун колхозчиларга ташаккур из-ҳор қилиб ва улар билан хайрла-шиб, Байрамали районининг қў-риқ еридан «Москва» совхозига жўнаб кетдилар.

Никита Сергеевич хўжалиқнинг рентабеллиги билан қизиқди. У совхознинг ўтган йил зарар кўр-ганлигини билиб бунинг, сабаби, асосан, кўриқ ерларини ўзлашти-ришда нотўғри йўл тутилганли-гидир, дейди. Мирзаўша қандай ўз-лаштирилган бўлса, Туркма-нистон кўриқ ерларини ҳам шун-

дай ўзлаштирмоқ керак, дейди Н. С. Хрущев. Мирзаўшада кў-риқ ерларини бошдан охири индустри-ал йўл билан, планли суратда ўз-лаштиридилар. Никита Сергеевич биноқдор, бригада бошлиқлари, ҳар хил мутахассислар тайёрла-диган мактаблар ташкил этишни, илгорлар тажрибасини кенг қўла-линишни, нақдларни янги, про-грессив усуллари ўрганишга мажбуур этишни маслаҳат беради.

— Сизларнинг ўз Турсуноқ-ловларингиз бор, — дейди Н. С. Хрущев — ана шулардан намуна олиш, илгўр тажриба мактаблари-ни ташкил этиш керак.

Никита Сергеевич бундай дей-ди. Пахтачилар соҳасидаги ил-мий-тадқиқот ишларини бир жой-да, масалан, Тошкентда марказ-лаштириб, республикаларда зона тажриба станцияларни ташкил этишга яхши бўлмасмикин?

Бу йил «Москва» совхоз 9 гек-тарига 315 центнердан манжақў-хори кўк полюс олди. Ўртоқ Хрущев бунинг жуда оз эканли-гини таъкидлади. У, ерларнинг шўрланлишига қарши курашда «Пахтаорол» совхозининг тажри-басини қўлланишни маслаҳат бе-ради. Бу совхозда вертикал дре-наждан фойдаланилмоқда.

Бир хил шаронддаги хўжали-қларнинг, ишда ҳар хил натижа-ларга эришувдек қоллар бўлмас-лиги лозим, дейди Никита Сер-геевич. Барча колхоз, совхоз ва районларда ўз қўшиларидаги ях-ши усулларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришга жорий қилиниши ке-рак.

Никита Сергеевич «Москва» совхозидан Байрамалига йўл ол-ди. Шаҳар меҳнатнашлари азиз меҳмонни қизғин табриқлаб кутиб олдилар.

Шундан кейин Ўртоқ Хрущев Қорақум қаналига борди.

(«Тошкент ҳақиқатининг бугунги сони пахта йиғим-теримига бағишланади».)

